

---

**Жорий йилнинг 30 май куни Олий таълим, фан ва инновациялар вазири Иброҳим Абдурахмонов Бешариқ туманига ташриф буюрди.**  
????Ташриф доирасида вазир дастлаб тумандаги “Толибжон Маҳмуд орзуси” фермер хўжалигида бўлиб, ғўза ривожини кўздан кечирди.

????Вазир соҳа мутахассислари билан суҳбат ўтказди. Келгусида режалаштирилаётган инновацион лойиҳалар ҳақида туман ҳокими Расулжон Жўраев билан фикр алмашди ва лойиҳалар юзасидан зарур кўрсатмалар, таклиф ва тавсиялар берди. Маълум қилинишича, фермер хўжалигининг умумий ер майдони қарийб 57 гектарни ташкил этади. Жорий йилда пахтанинг ҳосилдорлиги унумли бўлиши кутилмоқда. Фермер хўжалигида 47 киши доимий ва мавсумий иш билан таъминланган. Чорвачилик, асаларичилик йўлга қўйилган.

???? Ташриф чоғида Қуръон тиловат қилиниб, юртга омонлик, тинчлик-ҳотиржамлик, фермер ва деҳқонларимизнинг иш фаолиятларига куч-қувваат, ҳосилларимизга барака тилаб дуолар қилинди.

Ташриф давом этмоқда.

2023-06-08 10:26:03